


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет хузуридаги
жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари


Ф.С. Агзамов

2021 йил “ 5 ” июль

Ўзгидромет ва қуйи тизимларда ижро интизомини таъминлаш
борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида
Жамоатчилик кенгаши мажлисининг
1-сон БАЁНИ

2021 йил “5” июль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: **Ф.Х. Хикматов** – Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар: **Ф.С. Агзамов** – Жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари

Аъзолар рўйхат бўйича

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “lrgo.gov.uz” ижро интизоми
идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини
таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 3 июнидаги 09-1-347-сонли
топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан

*(Хикматов, Агзамов, Рахмонов, Адинбоев, Холматжонов, Ҳайдаров,
Абдуллахатов, Рўзиева, Хикматов,)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, 2021 йил 31 майдаги “lrgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5132-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 3 июнидаги 09-1-347-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини Ўзгидромет тизимида таъминлаш мақсадида, Жамоатчилик кенгаши қилади:

1. Ўзгидромет марказий аппарати бошқарма, хизмат, бўлим ва ҳудудий

гидрометеорология бошқарма бошлиқлари ҳамда таркибий тузилма раҳбарлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига асосан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг жорий этилган етти босқичли тартибига, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир”ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишларига, "ljro.gov.uz" тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби, "ljro.gov.uz" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом талабларига **қатъий риоя этилиши;**

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда юксак **профессионал даражада тайёрлаш;**

- бошқарув тизимини, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, республика ҳудудларини мақсадли ҳамда устувор вазифаларга мувофиқ **такомиллаштириш;**

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича **тезкор чоралар кўриш;**

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича “йўл хариталари”ни (ҳаракат режаларини) **ўз вақтида ишлаб чиқиш;**

- ижро интизомига масъул бўлинмаларининг ижро интизомини мустаҳкамлашдаги **ролини ошириш;**

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан "ljro.gov.uz" тизимига киритиб боришни **таъминласин.**

2. Ўзгидромет Марказий аппарати Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизومي бўлими:

- масъул ижрочиларнинг раҳбарлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммоларни ҳал қилишга ҳамда олдига қўйилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш натижаларини ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши учун **шахсан жавобгар ҳисобланади;**

- ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи санасига қадар "ljro.gov.uz" тизимидаги ўзлари масъул бўлган топшириқларни таҳлил қилади ва ижро ҳолати бўйича ушбу қарорнинг 3-иловасидаги намунавий шаклга мувофиқ биринчи раҳбар (истисно ҳолларда – унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни Адлия вазирлигига "ljro.gov.uz" тизими орқали тақдим этади.

3. Ўзгидромет Молия-иқтисод бошқармаси "ljro.gov.uz" тизимига уланиш ва "ljro.gov.uz" тизимидан фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Давлат бюджети параметрлари доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

4. "ljro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомига асосан:

- тизимдан фойдаланувчилар (раҳбар ва унинг ўринбосарлари, барча бошқарма, бўлим ёки лаборатория бошлиқлари, кадрлар бўлими, молия-иқтисод бошқармаси, бухгалтерия, юридик бўлим ва бошқалар)ни рўйхатдан ўтказиш ва электрон рақамли имзо калитлари билан **таъминлаш**;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросига масъул бўлган ходимларни белгилаш, ижрочиларнинг иерархияси ҳамда топшириқнинг ижроси билан боғлиқ жараёнларни кузатиш функционалларини **яратиш**;

- назоратда турган топшириқлар, ижро муддати келаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича масъул мутахассисларни огоҳлантириб туриш тизимини **жорий этиш**;

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросига оид маълумотларни киритиш ва асословчи ҳужжатларни юклаш функционалини яратиш ва узлуксиз **ишлаши**;

- тизимдан фойдаланувчиларнинг юзага келадиган муаммолари "Call" маркази хизмати орқали бартараф **этилишини**;

- тизимнинг доимий равишда ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, 24 соат давомида техник қўллаб-қувватлашни **таъминласин**.

5. Ўзгидромет Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини муҳокама қилиб бориш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

ҳар ҳафта жума куни – Ўзгидромет бош директори ўринбосарлари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни – Ўзгидромет Бош директори ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилиши таъминлансин.

6. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Матбуот котиби – Бош директорнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Асилходжаева) ҳамда Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Фарзиддинов) зиммасига юклатилсин.

Жамоатчилик
кенгаши котиби:

М.Б. Рўзиева

